

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 612-ҳадис

612 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا بَعَثَ اللَّهُ نَبِيًّا إِلَّا رَعَى الْغَنَمَ» فَقَالَ أَصْحَابُهُ: وَأَنْتَ؟ قَالَ: «تَعَمْ، كُنْتُ أَرْعَاهَا عَلَى قَرَابِطَ لِأَهْلِ مَكَّةَ». رَوَاهُ الْبَحَارِيُّ [2262]

612. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ бирор набий юборган бўлса, у албатта қўй боққан», дедилар. У зотнинг асҳоблари: «Сиз ҳамми?» дейишди. Шунда у зот: «Ҳа. Мен Макка ахли учун қийротлар эвазига қўй боқиб берар эдим», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Луғатшунослар «қийрот» деб майда пулга, дониқнинг ярми, яъни бир дирҳамнинг ўн иккidan бирига айтишади. Аслида унинг микдори турли ўлкаларда турлича бўлган. Масалан, маккаликларда қийрот динорнинг йигирма тўртдан бир улуши ҳисобланса, аксар юртларда, хусусан фуқаҳолар наздида, йигирмадан бири бўлган. Аммо «қийрот» калимаси кейинчалик бир нарсанинг бўлакларини, жузларини ифода этиш учун ва шундан келиб чиқиб, бирор нарсанинг кўплигини, чексизлигини англатиш учун ҳам қўлланадиган бўлиб кетган. Ибн Можа ўзининг айрим шайхларидан нақл қилиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг битта қўйни бир қийрот эвазига боққанларини айтган.

Аллоҳ таолонинг пайғамбарлари энг маҳбуб ва энг тўғри йўлда юрган бандалари бўлади. Аллоҳ таоло Ўзининг барча пайғамбарларига қўй боқишини раво кўрган экан, чунки ўз меҳнати билан ҳаёт кечириш энг яхши ҳаёт кечириш бўлади.

Уламоларимиз Пайғамбар алайҳиссаломларнинг қўй боқишиларида уларни келажак пайғамбарлик вазифасига тайёрлаш ҳам бор, дейишади. Қўй жуда ювош ва меҳрга муҳтож ҳайвон, уни боқиб ўрганган киши умматга

пайғамбар бўлганида одамларга ҳам меҳрибон бўлади, дейдилар.

Аллоҳ таолонинг пайғамбарларининг энг афзал ва энг охиргиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом ҳам қўй боққанлари маълум. У зотнинг ўзлари бу ҳадиси шарифда айтганларидек, Макка аҳлиниң қўйини озгина миқдордаги чақа учун боққанлар.

Маълумки, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини олдиндан тайёрлаб, обрўга путур етадиган нарсалардан сақлаб келади. Аммо у зотга Аллоҳ таоло мардикор чўпон бўлишни раво кўриши бу иш жуда шарафли иш эканини кўрсатади. Бу ҳодисотлардан ҳайвон боқиб, ризқу рўз топиш яхши иш экани келиб чиқади.

Манба: hadis.islom.uz

